

**БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ, ШУ
ЖУМЛАДАН ХОТИНҚИЗЛАРНИ ҲАҚ
ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИГА
ЖАЛБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан хотинқизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 18 б.

Тузувчи: И. Убайдуллаев

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан хотинқизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бўйича белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган. Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
Банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан хотин-қизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари	5
Ҳақ тўланадиган жамоат ишлари	6
Шахсларни ишсиз деб эътироф этиш шартлари	7
Жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадлари	9
Айрим жамоат ишларига ҳақ тўлаш тартиби	10
Жамоат ишларининг турлари	13
Жамоат ишларини ташкил қилиш тартиби	14
Иловалар	17

КИРИШ

Сўнгги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда доимий аҳоли сони қарийб

37 млн. кишини ташкил этади, шундан 49 % аёллардир. Мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги роли, гендер тенглик ва оила масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

2023 йил давомида “Аёллар дафтари” га киритилган аёлларнинг 108 490 нафарининг муаммолари ҳал этилди, қолганлари билан бугунги кунга қадар манзилли ишланмоқда.

“Маҳалла еттилиги”нинг коллегиял қарорлари асосида кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва ажратиладиган субсидиялар рўйхатига хотин-қизлар фаоли томонидан шакллантириладиган ҳужжатлари асосида камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига меҳнат шартномасига асосан жалб қилиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармонида асосан “маҳалла еттилиги” фаолияти ташкил этилган.

“Маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган ушбу қўлланмада банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан хотинқизларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

БАНД БЎЛМАГАН АҲОЛИ, ШУ ЖУМЛАДАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЖАЛБ ҚИЛИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон Фармони;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-92-сон қарори;
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 ноябрдаги “«Йилнинг энг намунали маҳалла ёшлар етакчиси» танловини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 608-сон қарори;
6. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 312-сон қарори;
7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “2022-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 310-сон қарори;
8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги “Ёшларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятлари кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 617-сон қарори;
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 799-сон қарори;

ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИ



Ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган шахслар – **банд бўлмаган аҳоли (банд бўлмаган шахслар)** саналади.

Ҳақ ўланадиган жамоат ишлари — буюртмачилар — иш берувчилар — маҳаллий давлат

ҳокимияти органлари, вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган, **қоида тариқасида, дастлабки касбий тайёргарликни талаб қилмайдиган**, ижтимоий фойдали йўналишга эга бўлган ҳамда иш қидираётган шахсларнинг ва ишсиз шахсларнинг вақтинча бандлигини таъминлаш учун маҳаллий меҳнат органлари томонидан бериладиган ишга жойлаштиришга доир йўлланмалар бўйича бажариладиган вақтинчалик меҳнат фаолияти турлари.




Ҳуқуқий асос: *“Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси*



ЭСЛАТМА



Меҳнат шартномаси ходим ва иш берувчи ўртасидаги тарафларнинг ўзаро ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишув бўлиб, унга мувофиқ ходим иш берувчининг манфаатини кўзлаб, ушбу келишувда белгиланган меҳнат вазифасини унинг раҳбарлиги ва назорати остида шахсан бажариш, ички меҳнат қоидаларига риоя этиш мажбуриятини, иш

берувчи эса ходимга шартлашилган меҳнат вазифаси бўйича иш бериш,  ходимга иш ҳақини ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш, меҳнат

тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда ва ушбу келишувда назарда тутилган меҳнат шaroитларини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ходим ва иш берувчи меҳнат шартномасининг тарафларидир.



Ҳуқуқий асос: Меҳнат кодексининг 103-моддаси

Жамоат ишларини бажарувчи шахс – ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилиши юзасидан **суднинг қарори асосида** ҳамда белгиланган тартибда **ишсиз деб эътироф этилган**, шунингдек, иш изловчи шахс сифатида рўйхатга олинган ва жамоат ишларида қатнашиш учун жалб қилинган **Ўзбекистон Республикаси фуқароси**, шунингдек, республика ҳудудида доимий яшаб келаётган **чет эл фуқаролари** ҳамда **фуқаролиги бўлмаган шахслар**.

ШАХСЛАРНИ ИШСИЗ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ШАРТЛАРИ



Ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун **маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган** ва ушбу органлар томонидан **иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар** (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) **ишсизлар** деб эътироф этилади.



Агар иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки **ўн кун ичида** мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Буйруқда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади.

Ишсиз деб эътироф этилган шахс қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилинганидан кейин икки кунлик муддатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилинади. Бунда ишсиз деб эътироф этилган шахсга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳаллий меҳнат органига ёки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича секторга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига бириктирилган ходим ҳузурига қайта рўйхатдан ўтиш учун мажбурий келиш санаси, ишсизлик нафақасини олиш шартлари ва жойи, шунингдек ишсиз шахс учун зарур бўлган бошқа ахборот хабар қилинади.

Шахсни ишсиз деб эътироф этиш чоғида меҳнат дафтарчасига ёзув қайд этилмайди.

Ишсиз деб эътироф этилган шахслар бепул маслаҳат олиш, касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш хизматларини олиш, шунингдек маҳаллий меҳнат органлари кўмагида ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.



Ҳуқуқий асос: “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 44-моддаси

ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МАҚСАДЛАРИ

1

банд бўлмаган шахсларни вақтинчалик маош (меҳнат даромади) билан таъминлаш ва уларни иш қидириш даврида моддий қўллаб-қувватлаш;

суд қарори асосида шахсларни ҳақ тўланадиган ижтимоий фойдали жамоат ишларини бажаришга мажбурий равишда жалб этиш;

2

3

ишсиз шахсларнинг вақтинчалик бандлигини таъминлаш учун шароитлар яратиш;

касбга (мутахассисликка) эга бўлмаган илк бор иш изловчи шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш;

4

5

турли сабабларга кўра (илгари бола тарбияси, бемор ва кекса оила аъзоларини парваришлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва бошқа сабабларга кўра) узоқ танаффусдан сўнг касбий фаолият билан шуғулланмаган шахслар меҳнатини реабилитация қилиш;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларини ишчи кучи билан таъминлаш.

6



Жамоат ишларининг таклиф қилинаётган турлари жамоат ишларига юборилаётган шахсларнинг касбий маҳоратини, иш тажрибасини, ёшини, жинсини ва бошқа хусусиятларини, иш вақти ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитларни ҳисобга олиши керак.

АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда **АБКМ** деб аталади) жамоат ишларига юбориладиган фуқароларнинг касби, ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жамоат ишларининг жойларини, шунингдек жамоат ишларида иштирок этиш шартларини белгилайди.

Буюртмачи иш берувчи АБКМ билан биргаликда жамоат ишлари турлари ва ҳажмини белгилайди.

Суднинг қарори асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига **мажбурий равишда жалб этилиши белгиланган**, шунингдек, **ишсиз ва банд бўлмаган шахслар томонидан** жамоат ишларида иштирок этиш ишнинг **хавфлилиги, зарарлилиги ва меҳнат шароитларининг оғирлиги сабабли рад этилса**, уларга жамоат ишларининг **бошқа турлари таклиф** қилинади.



Ишсиз шахсларга ишсизлик нафақасини тўлаш жамоат ишларида қатнашаётган даврларида тўхтатилади ва жамоат ишлари тугаган кундан бошлаб тикланади.

АЙРИМ ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ




Бюджет ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, **кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари** томонидан (туташ ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва сақлаш бўйича) ташкил этиладиган **ҳақ тўланадиган жамоат ишларида** АБКМнинг йўлланмаларига кўра ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатларнинг ўрни **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг** маблағлари ҳисобидан тўлиқ қопланади.



Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлиши ва меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **икки бараваридан кўп бўлиши** мумкин эмас.

Маҳаллий меҳнат органи томонидан юборилган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрни кейинчалик Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан **юз фоиз қопланади.**



Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уйлардаги уй-жой мулкдорларининг ширкатлари бундан мустасно!



Бунда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган **бир шахс меҳнатига тўланган ҳақнинг ўрнини Жамғарманинг маблағлари ҳисобидан қоплашнинг ҳар ойлик** миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **икки баравари** миқдоридан ошмаслиги керак. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларнинг меҳнатига ҳар ойда ҳақ тўлаш **меҳнат шартномаси** асосида белгиланади



ЭСЛАТМА

Зарур бўлган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ҳамда Жамғарма томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўрнини қоплашнинг **ҳар ойлик миқдорини** меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **тўрт бараваригача** миқдорда белгилаши мумкин.

Маълот учун

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 17 ноябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги ПФ-196-сон Фармониغا кўра **2023 йил 1 декабрдан** бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори – ойига **1 050 000 сўм** қилиб белгиланган.

ЖАМОАТ ИШЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ *


- шаҳарларнинг, туманларнинг, аҳоли пунктларининг, маҳаллаларнинг ҳудудларини ва бошқа ҳудудларни ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш, йиғиштириш, оқлаш, ариқларни, қабристонларни, зиёратгоҳларни, маданий объектларни тозалаш ва бошқалар);
- уй-жой-коммунал объектлар ва бошқа инфратузилма объектлари ҳудудларига туташ уй-жой фондининг объектларини таъмирлаш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатишини таъмирлаш;
- кўчаларни, йўлларни ва йўлкаларни таъмирлаш;
- ногиронлиги бўлган шахсларни, кексаларни, беморларни ва бошқа шахсларни парваришлаш;
- қишлоқ хўжалиги ишлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини йиғиб-териб олиш, ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш;
- саноат тармоқлари ташкилотларидаги ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ишлар;
- объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари.




Ўзбекистон Республикаси **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг** қарорларига мувофиқ ҳақ тўланадиган жамоат ишларининг **бошқа турлари** ҳам назарда тутилиши мумкин.


* Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори


ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ


 Буюртмачи иш **берувчилар ҳар ойнинг 15-санасига қадар** келгуси ҳисобот ойи учун жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмалар рўйхатига киритиш учун туман (шаҳар) **Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига** (кейинги ўринларда **АБКМ** деб аталади) жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртма беради.


 Жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни Жамғарма ҳисобидан молиялаштириш мазкур Қўлланманинг **1-иловасида келтирилган схемаларга** мувофиқ амалга оширилади.

 **АБКМ ҳар ойнинг 20-санасига қадар** буюртмачи иш берувчилардан келгуси ойда жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмаларни қабул қилади ва мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида ҳар ойнинг **25-санасига қадар** йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди.

 АБКМ зарурат бўлганда, ишсизлик ёки ишчи кучига бўлган талаб ошган ҳудудларда фуқароларни тезкор тартибда жамоат ишларига жалб этиш бўйича қўшимча буюртмаларни шакллантириши ва тасдиқлаши мумкин.

 АБКМ томонидан йиғма буюртма тасдиқлангандан сўнг ҳисобот ойининг **1-санасига қадар** маблағ ажратиш учун Жамғармага тақдим этилади. Бунда АБКМ томонидан тасдиқланган қўшимча йиғма буюртма маблағ ажратиш учун **бир иш куни давомида** Жамғармага тақдим этилади.

 Жамоат ишларини ташкил қилиш мақсадида АБКМ буюртмачи-иш берувчилар буюртмаларига мувофиқ ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда суднинг қарори асосида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилиши белгиланган ҳамда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради.

 Жамғарма томонидан ҳисобот ойининг **5-санасига қадар** йиғма буюртмага мувофиқ АБКМнинг ғазначилик ҳисобрақамига маблағларнинг ўтказилишини таъминлайди. Агар йиғма буюртмага эсосан АБКМнинг ғазначилик ҳисобрақамига ўтказилган маблағлар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг **15 санасига қадар фойдаланилмаса**, Жамғармага қайтариш чоралари кўрилади.



Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахслар билан ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этиш учун *камида икки ҳафталик, лекин олти ойдан кўп бўлмаган муддатга, айрим ҳолларда эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан келишилган ҳолда, ўн бир ойгача муддатга муддатли меҳнат шартномалари тузилади.*



Йиғма буюртмадаги жамоат ишларининг хусусияти ва амалга ошириладиган жойидан келиб чиққан ҳолда ушбу ишларга **фуқаролар ўз розилиги** асосида тақсимланади (*суд қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар бундан мустасно*).



АБКМ буюртмачи иш берувчи билан шартнома тузгандан сўнг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун **2-иловага** мувофиқ шаклда **йўлланма** беради.




Буюртмачи иш берувчи ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш вақтида **меҳнатни муҳофаза қилишга доир лозим даражадаги шарт-шароитларни** қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлайди.



Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиладиган шахсларга **иш ҳақи тўғри ҳисобланиши** ва **бажарилган жамоат ишларининг ҳақиқий ҳажмлари тўғри ҳисобга олиниши**, шунингдек, Жамғарманинг ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ҳақ тўлаш бўйича харажатларнинг ўрнини қоплаш учун йўналтирилган маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан **жавобгарлик буюртмачи иш берувчининг зиммасига юкланади.**



Жамоат ишларида қатнашувчи ишсиз банд бўлмаган ва суд қарорига асосан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этилган шахслар рўйхатларини шакллантиришда мазкур ҳудудда доимий ва вақтинча яшовчи банд бўлмаган **Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар**, шунингдек **меҳнат фаолиятига жалб этиладиган чет эллик фуқаролар** қамраб олиниши лозим.



**ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН
ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШНИ
МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ**

АБКМ ҳақ тўланадиган жамоат ишларини амалга ошириш мониторингини бир ойда бир марта жойнинг ўзига чиқиб ўрганиш орқали ўтказди ва тегишли мониторинг далолатномасини расмийлаштиради.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, далолатнома расмийлаштирилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чоралар кўрилади.

Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ўтказиш тартиби бузилганлиги ҳолатлари аниқланган тақдирда, далолатнома расмийлаштирилади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чоралар кўрилади.

ИЛОВАЛАР

Жамоат ишларини ташкил қилиш ва уларни Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Буюртмачи-иш берувчи	жамоат ишлари рўйхатини шакллантиради ва уни туман (шаҳар) АБКМга тақдим этади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар
2-босқич	АБКМ	буюртмачи-иш берувчилардан жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича буюртмани қабул қилади	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-санасига қадар
3-босқич	АБКМ	мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар доирасида йиғма буюртмани шакллантиради ва тасдиқлайди	Ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар
4-босқич	АБКМ	АБКМ томонидан йиғма буюртма тасдиқлангандан сўнг маблағ ажратиш учун жамғармага тақдим этилади	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
5-босқич	АБКМ	ишчи кучига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда ишсиз ва иш изловчи шахслар рўйхатини шакллантиради	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
6-босқич	Жамоат ишлари жамғармаси	йиғма буюртмага асосан АБКМнинг газначилик ҳисобрақамига маблағларни ўтказади	ҳисобот ойининг 5-санасига қадар
7-босқич	АБКМ	АБКМ ва буюртмачи-иш берувчи ўртасида жамоат ишларини ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади	ҳисобот ойининг 1-санасига қадар
8-босқич	АБКМ	банд бўлмаган шахсларга жамоат ишларига йўланма беради	жамоат ишлари бошланишидан 5 кун олдин
9-босқич	АБКМ	жамоат ишлари ташкил қилиниши ҳолатини мониторинг қилади	ҳар ҳафтада камидан бир марта
10-босқич	Буюртмачи-иш берувчи	АБКМга ўтган ой учун жамоат ишларида қатнашган фуқароларни амалда қатнашган кунлари бўйича тасдиқланган табелъ ва иш ҳақи ҳисобланганлиги бўйича қайдномани тақдим этади	ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар
11-босқич	АБКМ	буюртмачи-иш берувчига жамоат ишларида қатнашган фуқароларнинг иш ҳақи бўйича тўловларни қоплайди	ҳар ойнинг 15 ва 30-санасига қадар

ЖАМОАТ ИШЛАРИГА ЙЎЛЛАНМА

Жамоат ишларига ЙЎЛЛАНМА

_____ (корхона, ташкилот, муассасанинг номи ва манзили)

Фуқаро _____

(Ф. И. О.)

_____ ҳақ тўланадиган жамоат ишларига _____ муддатга юборилмоқда
(касб, мутахассислик кўрсатилади)

Қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда бизга хабар беришингиз сўралади.

АБКМ директори _____

М. Ў.

(имзо)

20 ____ йил « ____ » _____.

Қабул қилинган қарор бўйича ЖАВОБ

Фуқаро _____ ҳақ тўланадиган жамоат ишларига
(Ф. И. О.)

қуйидаги муддатга ишга қабул қилинди _____

(касб, мутахассислик)

20 ____ йил « ____ » _____ даги _____ - сон буйруқ.

Раҳбар _____

М. Ў.

(имзо)